

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТАКОРЛАРИ-НИНГ МАРРАСИ 4.400.000 ТОННА

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

К П С С
МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ
ИЮЛЬ
ПЛЕНУМИ
ҚАРОРЛАРИНИ
АМАЛГА
ОШИРАМИЗ

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 182 (4429).

12

СЕНТЯБРЬ

ШАНБА

1970 йил

Баҳоси 2 тийин.

К П С С ХХІV
С Ъ Е З Д И Н И
М У Н О С И Б
КУ Т И Б О Л А М И З

ПАХТА ФРОНТИ Ч О Р Л А Й Д И

Далаларда юбилей йилининг мул ҳосили пишиб етилди. Дехқон меҳрига қонган пахтазорларда олтин дурдоналар қийғос очилиб, дилларни қувонтирмоқда. Колхоз ва совхозларнинг чеварлари ишга киришиб кетдилар. «Зангори кема»ларнинг моҳир капитанлари поёнсиз пахтазорларда сузиб, дастлабки тонналарни бункерлардан туқдилар. Терим суръати кун сайин қизғин тус олмақда.

Областимизнинг илгор хўжаликлари пахта теримини уюшқонлик билан бошлаб юбордилар. Оққўрғон, Бекобод, Урта Чирчиқ, Янгйўл, Бўка ва бошқа районларда теримчилар кундалик нормани ошириш билан бажариб, хирмонга этак-этак «оқ олтин» туқмоқдалар. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида машина теримига киришилди. Бу машъал хўжалиқнинг миришкорлари, бу йил пахтанинг қариб ҳаммасини машиналарда териб олишга қарар қилдилар. Совхознинг йўлдош Аҳмедов бошлиқ бўлимида механик-хайдоовчи Қўшқ Абдурахмонов биринчи кунлик нормани бир арим баравардан ошириб адо этди. Унинг бу йилги марраси юз тонна. Бу совхознинг бошқа бўлиmlариди ҳам машиналарда пахта териш кучайтирилмоқда. Эрта-кидин районнинг барча колхоз ва совхозлари «пўлат от»ларини пахтазорга олиб кирадилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон партия активи йиғилишида Урта Осиё республикаларига қилган сафари таассуротларини ўртоқлашиб, республика партия ташкилотлари ва меҳнаткашларининг ишига юксак баҳо берди. Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистоннинг мамлакатда пахта етиштиришдаги етакчи ролини таъкидлаб, республика партия ташкилотлари ва коммунистлари, қишлоқ меҳнаткашлари беш йиллигининг сўнги йилида пахта тайёрлаш пиланини бажарибгина қолмай, балки қўшимча равишда 300—400 минг тонна пахта бериш учун бутун чораларни қурадилар, деб ишонч билдирди. Бу вазифа гўл юксак ва шу билан бир қаторда бажарилиши мумкин бўлган вазифадир. Дехқонларимизнинг қаҳрамонона меҳнати, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг доимий бераётган ёрдами ва оталарча қилган ғамхўрликлари натижасида пахтадан мул ҳосил етиштирилди. Ҳозирги вазифа ана шу мул ҳосилни ҳеч қобуд қилмай тезроқ йиғиб-териб олиш, давлат пилани ва социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришдан иборатдир. Бунинг учун бутун кучини сафарбар этиш, ишда юксак уюшқонлик, мустахкам иттиҳом намунасини кўрсатиш, ҳар бир теримчининг кундалик нормани ошириб бажаришига эришиб, дефляциянинг тезроқ тугалаб, машина теримини тезда бошлаб юбориш лозим.

Матбуотда областимиз колхоз ва совхозларининг юбилей йилида пахта топириш юзасидан қўшимча социалистик мажбуриятлар олганлиги ва бу соҳада қандай тадбирлар қўраётганликлари, уларнинг пилан ва режалари эълон қилинмоқда. Оққўрғон районининг хўжалиқлари ҳосилининг 70—80 процентини машинада териб олиш ва қўшимча равишда бир печа минг тонна пахта топириш мажбуриятини олдилар. Бўка, Янгйўл, Урта Чирчиқ ва бошқа районларнинг колхоз ва совхозлари ҳам ана шундай ташаббус кўрсатмоқдалар. Илгорларнинг ватанпарварлик ҳаракатини кенг қўлч ёйдирайлик.


Областимизда пахта тайёрлашнинг бориши ҳақидаги маълумотларга назар солар эканмиз, бу йил ҳосилининг тез пишиб етилгани ва ҳамма ерда теримни қизғин бошлаб юбориш учун имконият яратилганига қарамай бу соҳадан ишларимиз қўнқарисз бораётганлигини кўриш мумкин, Республика-

мининг Бухоро, Қашқадарё ва бошқа областлари йиллик пилани 15—20 процентдан ошириб, қўйдилар. Бухоро ва Қашқадарё областларида кунига 2,5 ҳатто 3 процентга етказилиб пахта тайёрланмоқда. Тошкент областида эса 11 сентябргача йиллик пилан 1,35 процент бажарилди. Бир кунда тайёрланган пахта атиги 0,39 процентини ташкил этди. Вақт ўтиб бормоқда. Лекин кўнгина хўжалиқларда ҳамон терим ишлари қизғин бошлаб юборилмаган. Пахтаимизнинг қариб 70 процентдан кўпрогини машиналарда теришимиз керак. 30—40 проценти эса қўл кучи билан терилади. Шундай экан, колхоз ва совхозларда қўл терими суръати бунчалик суст бўлмаслиги керак.

Районларда пахта тайёрлаш қандай бормоқда? Юқори Чирчиқлар кеча йиллик пиланининг 0,03 проценти миқдориди пахта тайёрлаб йиллик пилани 0,06 процент бажардилар. Оққўрғонда 0,21 процентгига ушшига эришилди. Йиллик пилан эса 0,53 процент бажарилди. Тўғри, бу районларда ҳосилининг асосий қисмини машиналарда теришмоқчи. Қўл билан терилган майдонлар ҳам борку! Нега бу майдонларда иш суръатини кучайтириш мумкин эмас? Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳар бир кундан, ишчи кучи ва техникадан унумли фойдаланиб, терим суръатини кескин кучайтириш чораларини кўришлари лозим.

Маълумки, машина теримининг муваффақияти гўзаларни сифатли дефляция қилишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Оққўрғон районининг хўжалиқлари ҳосили машиналарда терилган майдонларини дефляция қилиб бўлдилар. Лекин умуман олганда бошқа районларда бу муҳим ишга масъулиятсизлик билан қаралмоқда. Область партия комитетида яқинда бўлиб ўтган йиғилишида Бекобод, Янгйўл, Юқори Чирчиқ ва бошқа районларнинг раҳбарлари 10 сентябргача дефляциянинг тамомлаш, базини жойларда ҳосилининг етилиши ва пахтанинг очилишига қараб бу ишни сентябрнинг дастлабки кунларидеёқ тугаллашга ваъда берган эдилар. Афсуски, ваъда ваъдалигича қолмоқда. Бекобод районида дефляция пилани 20,5, Янгйўл районида 10,2, Юқори Чирчиқ районида 24,1 процент бажарилди ҳолос. Бу районларнинг раҳбарлари, колхозларнинг раислари, совхозларнинг директорлари бу аҳволда дефляциянинг қачон тамомламоқчилар? Сентябрьнинг иккинчи ўн кунини бошлади. Машина теримига қачон киришасизлар? Ўтган йиллардаги ачиқ сабоқларини унутманг. Ишда тезда бурилиш ясам, дефляциянинг қисқа вақт ичида сифатли ўтказиб, ҳамма ерда терим машиналари учун кенг фронт очиб бериш лозим.

Район партия комитетлари, район икжрона комитетлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалиғи ходимлари юбилей йилида пахтачиллик соҳасидаги вазифаларимиз катта ва масъулиятли эканлигини ҳар бир меҳнаткашга тушутиришлари, бутун куч ва техникани пахта теримига сафарбар қилиб, йиллик пилан ва социалистик мажбуриятимизни тўла бажариш учун ишда уюшқонлик, ташкилотчилик кўрсатишлари керак. Бутун совет халқи беш йиллигини юксак кўрсаткичлар билан якунлаш, партиямизнинг навбатдаги ХХІV съездини муносиб зафарлар билан қутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. Республикаимиз пахтакорлари бу йил ана-Ватанга 4 миллион 100 минг тонна ўрнига 4 миллион 400 минг тонна пахта топиришга қарор қилдилар. Улкан хирмонга муносиб ҳисса қўшайлик. 4 миллион 400 минг тонна учун курашда олдинги сафда бориш пойтахт области пахтакорларининг ҳам шарафини бурчидир.



Оққўрғон районидаги Ленинобод колхозини пахтакорлари йиғил-теримни кучайтириб юборишди. Ҳозир далаларда теримчилар етиштирилган «оқ олтин»ни йиғиб-териб олмақдалар. Суратда: чевар теримчилардан (чапдан) Г. Гусейнова, Н. Кучеева, Г. Гаффарова. Улар ҳар кунини 160—170 килограмдан пахта териб пешқадимлик қилмоқдалар. Қ. РОЗИҚОВ фотоси. (ЎТАГ).

РЕСПУБЛИКАДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ҚАНДАН БОРМОҚДА

Республикаимиз областларида 10 сентябрь кунин республика йиллик пиланига нисбатан 1,10 процент миқдориди «оқ олтин» туқилди. Бухоро области йиллик пиланига нисбатан 2,99 процент, Қашқадарё области 2,69, Сурхондарё 1,16, Хоразм 1,36, Фарғона 1,07, Андижон 1,12, Қорақалпоғистон АССР 1,11, Наманган 0,79, Тошкент 0,39, Самарқанд 0,33, Сирдарё области 0,13 процент миқдориди пахта топириди. Республикаимиз областларида йиллик пиланига нисбатан пахта тайёрлаш қуйдагича бажарилган: Бухоро — 28,54, Қашқадарё — 18,33, Сурхондарё — 9,19, Хоразм — 6,44, Фарғона — 6,27, Андижон — 5,48, Қорақалпоғистон АССР — 5,34, Наманган — 3,39, Тошкент — 1,35, Самарқанд — 0,96, Сирдарё — 0,62. Республика бўйича шу кунгача 7,19 процент миқдориди пахта тайёрланган.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЛУБ ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТУГРИСИДА 1970 ЙИЛ 11 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Йиллик пиланига нисбатан процент ҳисобида)	
Урта Чирчиқ	4,6
Янгйўл	3,1
Оққўрғон	2,8
Вустонлиқ	2,8
Юқори Чирчиқ	3,6
Область бўйича	3,2

ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИНИНГ АҲДИ

Оққўрғоннинг сой бўйидаги хўшманзара боғи одатдан ташқари тавқум. Бу ерга дала гвардиячилари — «зангори кема» капитанлари, қудратли техника бошқариш районининг шуҳратини кўтарган азамат меҳнаткорлар, колхоз ва совхоз раҳбарлари тўпланишган. Улар терим мавсумида ўз олдларига қўйилган вазифаларини яна бир бор аниқ белгилаб олиш учун йиғилганлар.

Ҳозир районнинг «оқ олтин» миришкорлари пахта теримини бошлаб юбордилар. Уларнинг ихтиёрида 956 та пахта териш, 338 та тўқилган пахтани терилган, 329 та қўсак терилган машина ва бошқа терим агрегатлари, транспорт воситалари бор. Шу агрегатларни бошқара оладиган, меҳнатда тоблган моҳир меҳнаткорлар енг ишларини бажариш учун орасида «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг механизатор-

лари, СССР Олий Советининг депутаты Энвар Алиев, Султон Сеғизбоев номли совхозининг механизатори, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Собиржон Абдукаримов, Ҳамид Олимжон номли колхоз механизатори Абдухалик Муротов ва бошқалар бор.

Механизатор дўстлар, деди «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхоз механизатори Энвар Алиев. — Мен бошлиқ эвено аъзолари, бутун 52 гектар ернинг ҳар гектаридан 37 центнердан ҳосил кўтаришга эди. Бу йил шу даражадан оширамиз. 1 октябрда пиланинг 7 октябрда мажбуриятини бажарамиз.

Бизнинг эвенода 50 гектар ер бор. 40 гектарига кенг қаторлаб чигит экилгай. Шу ерлардан 30 центнердан ҳосил кўтаришимиз. 25 сентябрда пилани бажариш учун ҳамма тайергарликни кўриб қўйдик. Ўзим ма-

шина билан 125 тонна пахта тераман, — деди Ҳамид Олимжон номли колхоз механизатори Абди Сайдуллаев.

Район хўжалиқларида комсомолар бошлиқ 101 эвено бор. Улар 86 минг тонналик район хирмонига 13500 тонна пахта етиштириб муносиб ҳисса қўшадилар. Район комсомол комитетининг секретари Абдураим Хўжакулов шулар ҳақида гапирди. Механизаторлар сўзидида С. Сеғизбоев номли совхоздан Собиржон Абдукаримов, «Оққўрғон» совхоз директори Жуман Эзичбоев, «Заря коммунизма» колхозини механизатори Алижон Нуракулов ва бошқалар гапирди.

Сўз катнашчилари барча механизаторларга қарата муроият қабул қилдилар. Улар районнинг 86 минг тонналик пахтадан 60 минг тоннасини машиналар билан териб олишга аҳд қилдилар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИДА

Кеча пойтахтимиздаги республика «Билимлар уйи» биносида меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ХІІ чақирини VI сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Тошкент шаҳрини қуриш ишлари Бош Бошқармасининг бошлиғи В. Н. Маркин, шаҳар уй-жой бошқармасининг бошлиғи Қ. Х. Бурхонжўев, барча турдаги шаҳар пассажир транспортларининг иштини ривожлантириш ва координациялаштириш бошқармасининг бошлиғи А. М. Муинов ўртоқлар Тошкент шаҳрини қуриш ишлари Бош Бошқармаси, шаҳар уй-жой

бошқармаси, барча турдаги шаҳар пассажир транспортлари иштини ривожлантириш ва координациялаштириш бошқармасига қарашли ташкилотларда қил мавсумида ишларга тайергарлик туғрисида доклад қилдилар.

Шунингдек, сессияда шаҳар Совети уй-жой хўжалиғи доимий комиссияси раисининг ўринбосари ўртоқ Б. Н. Қодировнинг доклади тингилди. Қўрилган ана шу масалалар юзасидан сессия қарор қабул қилди.

Сессияда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Сессия бошида ишга ўтганлиги сабабли ўртоқ А. В. Якушевни Тошкент шаҳар икжрона комитети архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси бошлиғи, шаҳар Бош архитектори вазифасидан озод этди. Тошкент шаҳар икжрона комитети архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси ва Бош архитектор вазифасига ўртоқ С. Р. Одилов тайинланди.

Сессия бошида ишга ўтганлиги учун ўртоқ А. Х. Умаровни Тошкент шаҳар икжрона комитетининг аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи вазифасидан озод қилди. Ўртоқ М. А. Каспаров шаҳар икжрона комитетининг аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

(Сессия ҳақидаги батафсил хисобот газетамизнинг келгуси сонинда босилади).

ПАХТА ДАВЛАТГА

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ВА
ДЕФОЛИАЦИЯНИНГ БОРИШИ ТУГРИСИДА 1970 ЙИЛ
11 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ
(Пиланига нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда тайёрланган пахта	Марсум бошдан буён тайёрланган пахта	Дефляция пиланига нисбатан (сентябр 11) ҳисобида	Пиланинг бажарилиш проценти
Бекобод	0,47	1,89	4312	20,5
Оржоникидзе	0,51	1,80	—	—
Бўка	0,56	1,75	24177	69,1
Урта Чирчиқ	0,38	1,66	14757	64,2
Янгйўл	0,44	1,53	2337	10,2
Оққўрғон	0,21	0,53	29536	101,8
Юқори Чирчиқ	0,03	0,06	1690	24,1
Область бўйича	0,39	1,35	76809	54,9



Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз пахтакорлари граждон хаво флотини учувчилари билан ҳамкорликда дефляция ишларини сифатли ўтказдилар. Суратда: (чапдан ўнгга) колхоз партия ташкилотининг секретари М. Мусулманов ва бош агроном Т. Эгамназаров самолёт командири И. Нормухамедов ҳамда А. Гороховларга колхоз деҳқонларига кўрсатган катта ёрдами учун миннатдорлик билдирмоқда. А. МАЛЬЦЕВ фотоси.

